

Иқтисодий-хукукий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

**СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУК**

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

КИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

СИНКИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентнинг 2009 йил

26 январдаги ПК-1046-сон қарори билан «Кишлоқ, тараққиёти ва фаровонлиги ийли» Давлат дастури тасдиқланди. Дастур қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектурани режалаштиришини ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойихалаштириши тизимини тубдан такомиллаштириш; қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш; мамлакатнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқариши кенгайтириш; инсонлар саломатлиги муҳофаза қилинишини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг тибий маданиятини юксалтириш, қишлоқда умумий ва касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш ва унинг даржаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган.

Дастур билан қишлоқ ва сув хўжигида иқтисодий ислоҳотларни куралаштириш муносабати билан ўзида қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар кириши тўғрисидаги қонунлар лойихалари, қишлоқ хўжигида лойихалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштиришини назарда тутивчи Президент фармонлари ва қарорларининг лойихаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлинмалари билан бирга ихтисослаштирилган тижорат банкини ташкил этиш, жумладан, умумий майдони камидаги 500 минг кв. метр якка тарбидаги уй-жойни капитал таъмирлашга кредит бериш хисобига қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш режалаштирилмоқда.

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ...

Президентнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-1047-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чол этилади) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш бўйича 2009 йил учун комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиленган бўлиб, улар қуидагиларни ўчила олган:

– озиқ-овқат маҳсулотлари энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг асосий параметрлари;

– республика вилоятлари бўйича 2009 йилда янги мева-сабавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари ва узум экиладиган майдонлар ҳамда уларни етиширишнинг прогноз ҳажмлари;

– республика вилоятлари бўйича гўшт ва сут етиширишнинг прогноз ҳажмлари;

– республика вилоятларида 2009-2011 йилларда гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам ускуналардан фойдаланадиган янги корхоналар,

шунингдек хом сут тайёрлаш бўйича сервис пунктларини барпо этиш дастури;

– ноанъанавий мойли экинлар экиладиган майдонлар ва уларни ишлаб чиқариш, ана шу экинлардан ўсимлик ёғи тайёрлашнинг ҳисоблаб чиқилган ҳажмлари;

– республика томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этишининг прогноз параметрлари.

Белгиланган тартибга мувофиқ, 2009 йилнинг 1 июнидан бошлаб гўшт-сугут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлана тайёр маҳсулотни асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши махаллийлаштириш Даствури тўғрисида» ПК-1048-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чол этилади) 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши махаллийлаштириш Даствури тасдиқланди. Даствур қуидагиларни ўзи чига олади:

– саноат маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариши ҳажмининг маҳсадли параметрлари ва махаллийлаштириш даражаси;

– бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқариши махаллийлаштиришнинг ўтувчи лойихалари рўйхати;

– тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариши махаллийлаштиришнинг ўтувчи лойихалари рўйхати;

– тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариши махаллийлаштиришнинг янги лойихалари рўйхати;

– мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилини томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати.

Рўйхатларга киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:

– четдан олиб келинадиган, республика ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштирилдиган маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати;

– маҳаллийлаштириш лойихалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиги, янго солик тўлови (солик солишининг содалаштирилган тизимини кўлладиган субъектлар учун);

– маҳаллийлаштирилдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мол-мulk солиги тўлашдан озод этилган.

Белгиланишича, солик ва бохона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилди.

Белгиланишича, солик ва бохона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилди.

Меърий-хукукий хужжатларнинг қисқача шархлари 2009 йил 24 январдан 30 январгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами»нинг 5-сони асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа хужжатларнинг тўлиқ матни билан www.porma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» руқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

ЭНЕРГЕТИКА: ИСТЕЬМОЛЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ МУНОСАБАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

«Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўзишга тайёрланяпти, у таҳминан февралда ўтказилиши мўлжалланган. Қонун концепциясини Қонунчилик палатаси ўтган йилнинг сентябрдида маъқуллаган эди, бироқ депутатлар парламентга кириши учун тайёрлаш жараёнида анчагина қисқаририлган «ҳадли» хужжат Президент белгилаб берган энергетикани ислоҳ қилиш режасига салмоқли мадад бера олмайди деб ҳисоблашди.

«Тўғридан-тўғри амал қилувчи хужжатлар шоша-пиша тайёрланмайди, «ҳадли бўлиш» эса мазкур ҳолда ушбу тармок учун мос келмайди», – деб ҳисоблашади энергетиклар ҳам¹ 1997 йилги, 24 моддадан иборат (9 саҳифали) «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги самарасиз Қонунни важдалил сифатида келтириб. Бу Қонун, гарчи «жуда тўғри» ёзилган бўлса-да, ҳозиргача нормал ишламади деса бўлади. Иккинчи важдалил эса Американинг Energy Policy Act of 2005² қонунидир, уни қабул қилгунга қадар Конгресс 4 (!) йил мобайнида мухокама қилган ва натижада бизнинг Фуқаролик кодексимиздан бир ярим баравар ва янги Солик кодексимиздан 2 баравардан кўп ҳажмидаги қонун юзага келган. Тўғри, бу ерда гап хужжатнинг катта-кичклиги эмас, балки уни амалга ошириш механизmlарининг адекватлиги ва татбиқ этилиши ҳақида кетяпти. Албатта, кутилган ниятларни амалга оширишда ёрдами тегишида ҳам...

НИМАГА ЭГАМИЗ...

Электр энергетикаси – бугунги кунда умумий молиявий ва иқтисодий манбаатлар туташган тармок: корхоналар, маший, ижтимой сектор, уй-жой коммунал ҳўжалиги – истисносиз барчаси ҳисоб-китобли ва очик-ошкор тариф сиёсатида электр энергияси билан таъминлаш жараёнлари барқарор бўлишига жуда муҳтоҳ. Бозор иқтисодиёти ялпи энергия самарадорлигини талаб қиласи, бироқ ҳозирча у мавжудэмас. Лоақал унинг йўқлиги эътироф этилиши ҳам катта гап: кейинги йилларда энергия сақловчи технологияларни жорий этишининг комплекс тармок дастурлари қабул қилинганилигига қарамай, ўн-йигирма йил аввал бўлганидек, биз аввалгидек ҳаддан ташқари кўп энергия сарфланадиган ЯИМга эгамиз, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, таҳсиллашва истемол қилишда талафотларимиз ҳам гоятда кўп.

Талафотларимиз, аслида, ҳар доим кўп бўлиб келган. Бироқ режали ҳўжалик юритиш вақтида бунга кам эътибор берилган бўлса, ҳозир – бозор шароитида ушбу муаммо фақат истемолчиларнинг ҳамёнигагина зарба берадигани йўқ. Бугунги кунда тўлиқ акциялаштирилган

«Ўзбекэнерго» тизими таҳсиллаш ва электр сотиш корхоналарининг ўзлари биринчи навбатда мушкул ахволга тушмокда. Улар ўзларининг техник ва тижорат талафотларини аниқ ажратадиганда олмайтирилган. Соҳани давлат томонидан бевосита бошқариш даражасини пасайтиришга, техника билан қайта жиҳозлашнинг кўп капитал талаб қиласи, бироқ ҳозирча у мавжудэмас. Лоақал унинг йўқлиги эътироф этилиши ҳам катта гап: кейинги йилларда энергия сақловчи технологияларни жорий этишининг комплекс тармок дастурлари қабул қилинганилигига қарамай, ўн-йигирма йил аввал бўлганидек, биз аввалгидек ҳаддан ташқари кўп энергия сарфланадиган ЯИМга эгамиз, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, таҳсиллашва истемол қилишда талафотларимиз ҳам гоятда кўп.

Унинг рентабеллигига йўл кўймайдиган энергетика муаммолари ҳам, уларни ҳал қилиш йўллари ҳам аллақачон белгиланган³. Соҳани давлат томонидан бевосита бошқариш даражасини пасайтиришга, техника билан қайта жиҳозлашнинг кўп капитал талаб қиласи, бироқ ҳозирча у мавжудэмас. Лоақал унинг йўқлиги эътироф этилиши ҳам катта гап: кейинги йилларда энергия сақловчи технологияларни жорий этишининг комплекс тармок дастурлари қабул қилинганилигига қарамай, ўн-йигирма йил аввал бўлганидек, биз аввалгидек ҳаддан ташқари кўп энергия сарфланадиган ЯИМга эгамиз, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, таҳсиллашва истемол қилишда талафотларимиз ҳам гоятда кўп.


Талафотларимиз, аслида, ҳар доим кўп бўлиб келган. Бироқ режали ҳўжалик юритиш вақтида бунга кам эътибор берилган бўлса, ҳозир – бозор шароитида ушбу муаммо фақат истемолчиларнинг ҳамёнигагина зарба берадигани йўқ. Бугунги кунда тўлиқ акциялаштирилган

2-бетда

‘Энергетикани қонун чиқарув билан таъминлаш масалалари бўйича мунозаралардан.

¹ Конгресс 2005 йилда қабул қилган АҚШ энергетика сиёсати тўғрисидаги қонун. Тўлиқ матнини Конгресс кутубхонаси сайтидан олиш мумкин – <http://thomas.loc.gov>.

² Президентнинг 2001 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида» ПФ-2812-сон Фармони.



1-бет

Конун хужжатларига
қисқа шархлар

\$1 = 1402,51 сўм

3-бет

Маслаҳатни
юрист беради

€1 = 1869,27

4-бет

Иш берувчи
ва ходим

£1 = 2037,43 сўм

5-12-бетлар

Янги қонун
хужжатларител/факс:
(99897)119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

ТҮЛАҚОНЛИ БОЗОР АСТА-СЕКИН ШАКЛЛАНАДИ
Изидор КОЧМАРИК,
Саноат, куриши ва савдо масалалари кўмитаси раиси
(ЎзХДП фракцияси):

– Парламентнин вазифаси – тасдиқланган концепция доирасида оддий истеъмолчига мутлақ тушунали бўлган қонун яратиш, унда энергетика бозори таркибини – ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қадар, шу жумладан улар ўртасидаги бозор муносабатлари механизmlari, ваколатлар, жавобгарлик, давлат томонидан тартибга солиш чегаралари, тармоқни технологик бошқараш хусусиятлари ва ҳоказоларни аниқ барпо этиш. Бунда биз ишлаб чиқарувчиларнинг дастлабки версиясига қайтишини ўйламаяпмиз, балки ўзимизнинг тубдан фарқ қиливчи версиямизни яратаемиз. Ҳозирча бир нарсани айта оламан: қонунда тармоқда бозор муносабатларини шакллантиришнинг бошлангич боскичи учун зарур шартларнинг ҳаммаси бўлади, бозор эса аста-секин шаклланади.

– Қонун лойиҳаси концепциясида «ягона сотиб оловчи» – электр энергиясини ишлаб чиқарувчи билан уни пировард истеъмолчига реализация қиласидаги энергия сотиш ташкилотлари ўртасида алоҳида бўғин бўлиши назарда тутилган эди. У қонун лойиҳасининг бугунги версиясида назарда тутилганми? Ахир во-

ситачилар одатда тизимни мурakkabлаштириб, тарифларни кўпайтирадилар. Қонунга воситачиларнинг назорат қилинмай кўпайшишига йўл кўймайдиган бирор-бир механизmlar киритиладими?

– Унитар корхона шаклидаги ягона сотиб оловчи албатта зарур, бунда электр энергиясини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиш жараёнида тарифларни фойда олиш мақсадида ошириш имкониятига йўл қўйилмайди. Электр сотиши корхоналари рентабеллигининг мақбул дарражасини ҳисобга олган

нерго» шуъба корхонаси – «Ўзэлектрттармоқ» магистрал электр тармоқлари корхонасининг электр тармоқлари хўжалиги объектларига дахл қиладими?

– Энергетика хавфсизлигини ва иктисолид макон бирлигини таъминлаш мақсадида улар аввалгидек факат давлат эгалигига бўлади ва хусусийлаштирилмайди.

ЭНЕРГЕТИКЛАР ИСТЕММОЛЧИЛАРНИ БАЗОР ҚОНДИРМОҚДАЛАР
Абдулла АБДУНАЗАРОВ, Саноат, куриши ва савдо масалалари кўмитасининг раис ўринбосари («Адолат» СДП фракцияси):

– Кейинги йилларда мамлакатимизда электр энергиясининг истеъмоли жадал ўсмоқда, энергетиклар уларни аранг қондиришмоқда. Аҳоли яқин вақтгача ишлаб чиқарилган энергиянинг қарийб 15%ни истеъмол қиларди. Ҳозирда

холда электр энергиясига тарифларни шакллантиришда эса Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси тимсолида давлат иштирок этади, бу эса тариф сиёсатининг барқарорлигини кўфолатлади.

Қонун лойиҳасида истеъмолчи ва электр билан таъминлаш корхонаси ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларига – уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари ва ҳоказоларга катта эътибор берилади.

– Хусусийлаштириш «Ўзбекэ-

з» буз «Ўзбекэнерго»дан янги маълумот олдик – у 25%га этибди! Фаровонлик ошапти, кишилар машайх техникани кўпроқ харид қилишмоқда... ЯИМ йил сайн 7-8%га ўсяпти,

бу ҳам кўпроқ энергияни талаб қиладиган жараён. Иктисолид бундай юқори суръатдаги ривожланиш ва паст даражадаги энергия самардорлиги шароитида бир муддат ўтгач электр энергияси тақчиллиги муаммосига тўқнаш келиши мумкин...

Бунга йўл қўймасликнинг эҳтимолий биринчи йўли – энергия ҳосил қиливчи қувватларни ошириш. Иккинчи йўл – талафотларни қисқартириш ва ишлаб чиқараётган энергиямиздан самарали фойдаланиш. Бу бугунги кунда ва истиқболда нима беради? Шуниси аниқки, энергия те-

жовчи технологияларни жорий этиш бизга қувватларни ўстиргандан кўрама деганда иккى баравар арzonга тушади. Бундан ташкири, янгишмасам, Толимаржон ГЭСни 20-25 йил мобайнida куришган эди. Агар ҳозир шу сингари обьект барпо этилса, бунга ҳам камиди 5-6 йил кетади, вақт эса кутиб турмайди...

Яна бир гап: мен электр сотиши корхоналарини хусусийлаштиришдан кўп нарса кутаман. Бу энергияни нормал ҳисобга олишни йўлга қўйишда ёрдам беради, истеъмолчиларнинг электр тармоғига рухсатиз киришларига йўл қўймайди.

Қонунни парламентга тақдим этадиган Қонунчилик палатасининг Қўмитасида унинг ҳар бир нормаси устида иш бораркан, қонун ижодкорлиги жиҳатлари мазкур босқичда қонун лойиҳасини оммавий матбуотда батафсил мухокама қилиш имконини бермайди. Иккинчи ўқиш бизга ана шундай имкониятни беради. Ҳозирча шундай хулоса чиқариш мумкин: қонун чиқарувчилар электр энергиясининг истеъмолчилари билан етказиб берувчилари ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартришга эришмоқдалар. Уни узатишдаги тижоратга доир талафот кўриш ва узилиш муаммолари фақат бозор механизмлари ва иктисолид дастаклар ёрдамида ҳал қилиниши керак. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар бошқа, уни сотувчилар бошқа бўлади.

Бунда энергиядан самарали фойдаланишнинг ижобий томонларини хусусий тадбиркорга тушунтириш шарт эмас, – тўлақонли бозор шароитида бундай фикр ўз-ўзидан юзага келади. Бизда эса, ҳозирча, – деб шикоят қилишади мутахассислар, – электр энергияси истеъмолчига, имконият даражасида арzonга тушмоқда.

Албатта, яқин истиқболда тармоқни қайта таркиблash жараёни дунёда энергия манбалари нархларининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади, ҳозирча бу нархлар тушиб кетган, бироқ токи энергетиканинг асоси қайта тикланмайдиган ресурсларда иссиқлик энергетикаси бўлиб қоларкан, истиқболда улар барбири ошиши мүкаррардир.

Юлия ЯШИНА,

«Норма маслаҳатчи»нинг маҳсус мухбири.

• РЕКЛАМА



Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни “эшикдан эшиккача” етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СҮМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 3 февралдан бошлаб валюта операции бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қиymatini белгилади:*)

1 Австралия доллари	886,39	1 Малайзия ринггити	388,29
1 Англия фунт стерлинги	2037,43	1 Польша злотиши	402,58
1 Дания кронаси	239,41	1 СДР	2092,43
1 БАА дирхами	382,10	1 Туркия лираси	852,33
1 АҚШ доллари	1402,51	1 Швейцария франки	1203,87
1 Миср фунти	252,52	1 ЕВРО	1869,27
1 Исландия кронаси	12,26	10 Жанубий Корея вони	10,07
1 Канада доллари	1138,03	10 Япония иенаси	156,65
1 Хитой юани	204,85	1 Россия рубли	39,60
		1 Украина гривнаси	182,14

* Уалюта қиymatini белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қиymatda сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

МДХ ва болтиқбўйи мамлакатлари валюталарининг АҚШ доллари, Евро ва Россия рублига нисбатан курслари

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	4.02.2009	1	0,807	1	1,0497	1	0,0224
Арманистон	3.02.2009	1	305,19	1	391,28	1	8,42
Беларусь	4.02.2009	1	2782	1	3577,37	1	77
Грузия	4.02.2009	1	1,67	1	2,1448	1	4,6223
Козогистон	4.02.2009	1	122,32	1	157,07	1	3,38
Киргизистон	31.01.2009	1	40,3376	1	52,0214	1	1,139
Латвия	4.02.2009	1	0,547	1	0,702804	1	0,0151
Литва	4.02.2009	1	2,6836	1	3,4528	10	7,4245
Молдавия	4.02.2009	1	10,527	1	13,5436	1	0,2904
Тоҷикистон	4.02.2009	1	3,7233	1	4,7374	10	0,9968
Ўзбекистон	3.02.2009	1	1402,51	1	1869,27	1	39,6
Украина	4.02.2009	100	770	100	989,373	10	2,1313
Эстония	3.02.2009	1	12,2015	1	15,6466	1	0,336707

Манба: www.prime-tass.ru

Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда

– Энергетика: истеъмолчи ва етказиб беришчи муносабатлари таомиллашади

– Валюталар курси **1-2-бетлар**

– Юридик маслаҳатлар **3-бет**

– Кадрлар бўлими **4-бет**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини

ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»

2009 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;

– «Ишлаб чиқариш ва ижтимой инфраструктурини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Юридик маслаҳатлар

Биз яқиндагина юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтдик. Энди мижозлар билан бевосита ишланиши керак. Илгари ҳеч қачон шартнома муносабатларига тўқнаш келмаган эдик. Ишни нимадан бошлаш керак? Кайси пайтдан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади?

Хурмат билан ёш директор.

ЛОЙИХА, ОФЕРТА, АКЦЕПТ

- Ишни шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаш лозим. Улар устида маъмурят ва штатда бўлган ёки четдан таклиф қилинган юрист биргаликда ишланиши лозим. Чунончи, директор корхоннинг ишлаш чизмаси ва хизматлар кўрсатиш тартибини ишлаб чиқади, юрист эса буларнинг ҳаммасини хизматларнинг ўзига хос жиҳатлари ва қонун хужжатларининг нозик қирраларини ҳисобга олган ҳолда шартнома кўринишида расмийлаштиради.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида» Конуннинг (1998 йил 29 августдаги 670-1-сон) 21-моддасига биноан шартномалар уларни имзолашга тайёр шараённида фирманинг юри-

'Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қила-диган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этаидиган таклиф оферта ҳисобланади (ФК 367-моддасининг биринчи қисми).

2 Президентнинг 1995 йил 12 майдаги «Халк хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1154-сон Фармони биринчи бандига биноан етказиб берилётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) кийматининг камидаги 15 фоизи миқдорида мажбурий олдиндан ҳақ тўлаш на-зарда тутилган.

Тошкент 2200 ёшда

ТОШКЕНТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ

Пойтахтимизда «Тошкентнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти» мавзууда бизнес-форум бўлиб ўтди. Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлиланган мазкур кенг кўлами тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзин-фоинвест» агентлиги томонидан ташкил этилди.

Форумда вазирлик ва идоралар, корхоналар ва кўшма корхоналар раҳбарлари, Ўзбекистон ва хорижий ишбилиармон доиралари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юри-таётган дипломатик корпус ҳамда ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабхаларида амалга оширилаётган кенг кўлами ва кўп қирралар ишҳотлар мамлакатимиз ривожида ва иқтисодий соҳасини юксалтиришдек мухим ва-зифани ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам замин бўлаёт. Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик миллий иқтисодиётни, хорижлик шериклар билан амалий ва инвестиционий ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Тошкентда саноатнинг асосий тармоқлари жадал ривож-

лантирилиб, илгор, хусусан, замонавий аҳборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мавжуд ишлаб-чиқариш кувватларини қайта ихтисослаштириш, янгила-рини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, рақобатбардош, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу жараённинг муттасил ошиб бораётгани, янги корхоналар, жумладан хориж капитали иштиро-кидаги корхоналар ташкил этилаётгани мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаси тобора кенгайётганидан далолат беради.

Тадбирда сўзга чиқсан Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазiri Э.Фаниев, молия вазiri ўринбосари Ш.Файзуллаев, Давлат мулки кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Абдухакимов ва бошқалар бу ҳақда алоҳида тұхтади.

2008 йилда деярли барча кўрсаткичлар бўйича сезиларли ўсишга эришилди. Масалан, пойтахт корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 2007 йилга қараганда 36,8, ташки савдо айланмаси 15,5, экспорт ҳажми 22,6 фоизга кўпайди. Шаҳар саноатида энг замонавий технологиялар ва ускуналар билан жихозланган электр техникаси, самолётсозлик, машинасозлик соҳаси корхоналари етакчи ўрин эгаллайди. Кўплаб енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида

(ФК) офертада шартноманинг барча мухим шартлари ифода қилиниши кераклигини назарда тутади.

Агар оферта юборилган тараф унинг барча шартларига рози бўлса, у таклифни қабул қиласди (оферта акцепти). Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак (ФК 370-моддасининг иккинчи қисми).

Ана шунда тарафлар хужжатлар - муҳрлар, имзолар ва тегишил реквизитлар тақдим этилган ҳолда шартномалар билан айирбошлашади.

РАД ЭТИШ УЧУН ЖАВОБГАР

ФК 367-моддасининг учинчи қисмига кўра оферта уни йўллаган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлади. Яъни шартномани тузишдан факат бошқа тараф бош тортиши мумкин. Шу билан бирга қўйидагиларни ҳисобга олиш лозим: шартнома тузиш мажбурияти оферентда офертани у йўлланган шахс олган пайтдан автоматик тарэда бошланиши боис, шу пайт бошлангунча у офертани чакириб олиши мумкин. Бунда ФК 367-моддасининг тўртинчи қисмida кайд этилишича, агар офертани чакириб олиши тўғрисидаги билдириш офертани ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади, шу муносабат билан шартнома тузишдан бўйин товлаш билан боғланган, агар офертани жўнатувчи уни тузишдан бош торганда тақдим этилиши мумкин бўлган ҳеч қандай талаблар қўйилиши мумкин эмас.

Офертада акцепт муддати кўрсатилган бўлса, акцепт оферта йўлланган шахс томонидан унда кўрсатилган муддат мобайнида олинса (ФК 372-моддаси), таклифда рад этиш учун муддат мавжуд бўлмаса - Қонун белгилаган муддат тугасига

қадар ёки оқилона муддат мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади. Агар акцепт учун муддат офертанинг ўзида ҳам, қонун ёки бошқа хукукий хужжатларда ҳам белгиланмаган бўлса, бунинг учун нормал зарур бўлган вақт мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади (ФК 373-моддаси).

ОММАВИЙ ОФЕРТА

Фуқаролик қонунчилиги «оддий» офертадан ташқари оммавий офертани ҳам назарда тутади. Чунончи, ФК 369-моддасига мувофиқ номуайян шахслар доирасига қаратилган башлаётган жойда сотилаётган товарлар

БУНИ БИЛИШ КЕРАК

Хўжалик шартномаси шартнома предметини етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятиларини, шартнома мажбуриятиларни бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун хужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришил лозим бўлган бошқа мухим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун хужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб кўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак².

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида» Конуннинг 10-моддаси.

лифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага таклиф этиш деб қаралади. Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф кириталётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган ҳоҳиш-иродаси билиниб турган

ҳақида маълумотлар бериш, сотовчи тегишил товарлар сотишига мўлжалланмаганигини аниқ белгилаган ҳоллардан ташқари, нархи ва олдисотди шартномасининг бошқа мухим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта деб ҳисобланади.

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖ юристи.

чилари Тошкентдаги қатор обьектларни ху-сусийлаштириш, янги инвестицияларни жалб қилиш, умуман Ўзбекистон билан ўзаро ман-фаатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини мухокама этиди.

Марказий Осиё кичик корхоналарни қўллаб-куватлаш жамғармаси раҳбари Жорж Николсон Ўзбекистонда амалга оширилаётган, пухта йўланган иқтисодий сиёсат туфайли бугун мамлакат глобал иқтисодий инқироз таъсиридан етарли даражада ҳимоялангани, кичик ва ху-сусий бизнесга жалб қилинаётган чет эл ин-вестициялари ҳажми тобора кўпаяётгани ва уни ривожлантириш учун барча шарт-шаро-ити-ларни таъкидлади.

«Спентекс» корхонаси бош директори Сантош Кумар Жейн ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни кенгайтириш истиқболлари кенг эканини қайд этди. Бугунги кунда ушбу корхонанинг Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган иккита ҳудудида қарийб беш минг киши меҳнат қилмоқда. Яқин вақт ичиди Марғилон шаҳрида ҳам яна битта ишлаб чиқариш обьекти ташкил этилади. Тадбиркорнинг таъкидлашича, тўқимачилик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида мамлакатимиз улкан ишлаб чиқариш ҳамда кадрлар салоҳијатига эга. Шу боис ҳам «Спентекс» жорий йил ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида қўшимча маблағлар йўналиштиришни режа-лаштиримоқда.

**ЎЗА материали
асосида тайёрланди.**

• РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб

офис

тиббиёт

металл каркасда

ошхона буортмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

ХОДИМНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Иш берувчи ишга киратган кишидан қандай ҳужжатларни талаб қилиши керак?

- Ишга даъвогар ҳар қандай киши қўйдагиларни тақдим этиши керак:

паспорт* ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат, агар ишга кириувчи ҳали ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, – туғилганик тўғрисидаги гувоҳнома ва туар жойидан маълумотнома;

мехнат дафтарчаси (биринчи маротаба кираётган шахслар бундан мустасно). Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан маълумотномани** тақдим этадилар;

ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома (бу ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакрилувчиларга тааллукли);

олий ёки ўрта маҳсус ўкув юртими тамомлаганилиги тўғрисидаги диплом, мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома ёки бошқа тегишли ҳужжат (конун ҳужжатларига мувофиқ маҳсус маълумотга ёки маҳсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишга кираётганда);

солик тўловчининг идентификация рақами берилганилиги тўғрисидаги гувоҳнома. Ўзбекистон Республикасида солик тўловчиликларнинг идентификация рақамларини бериш ва кўллаш тизими тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 1997 йил 11 марта даги 130-сон қарори билан тасдиqlangan) 7, 9-бандларига кўра **солик тўловчининг идентификация рақами** жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи ва

бошқа ҳақлар кўринишида олинадиган даромадидан солик тўловчи сифатида жисмоний шахсга берилади. СТИР берилганилиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси ходимнинг шахсий йигмажилдига тикиб қўйилади;

иш берувчи белгиланган тартибида ходимнинг даромадларидан ушлаб қолинган солик суммаси бир қисмини ўтказиши керак бўлган шахсий жамғарига бориладиган пенсия ҳисобвараги (ШЖБПХ)нинг рақами тўғрисидаги маълумотлар олиш учун **жамғарига бориладиган пенсия дафтарчаси.** Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғарига бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни кўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (МВ, ДСК ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиqlangan) 1-бандига биноан меҳнат фаoliyatiни меҳнат шартномалари бўйича амалга ошираётган фуқаролар (улар жумласига ишловчи пенсионерлар, ўриндошлар ҳам киради), шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажарадиган фуқаролар, агар ушбу ходимлардан конунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ушланса, жамғарига бориладиган пенсия тўловларини олувишлар сифатида жамғарига бориладиган пенсия тизимининг мажбурий иштирокчилари ҳисобланадилар.

Юқорида кўрсатилганларга кўшимча равища қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳужжат (маълумотнома, хулоса) – Мехнат



Ахборот-хуқуқий тизими
Сотиб олиш масалалари
бўйича қўйидаги
телефонлар орқали
мурожаат қилинг:

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Тошкент ш.: (8371) 237-07-78, 237-45-29
Гулистан ш.: (83672) 27-58-97
Самарканд ш.: (8366) 23-23-73

Наманган ш.: (8369) 226-16-70
Фарғона ш.: (8373) 222-11-49
Андижон ш.: (8374) 277-59-37

риоя қилиши шарт:
мехнат шартномасини тузиш;
мехнат шартномасига мувофиқ ишга қабул қилиш тўғрисидаги бўйруқ чиқариш (МК 82-моддасининг биринчи қисми);

уни ишга қабул қилиш тўғрисидаги бўйруқни ходимга маълуматни беради, тилхат олиш (МК 82-моддасининг бешинчи қисми);
ходимнинг меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувни киритиш (МК 81-моддасининг учинчи қисми).

Ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчи номидан раҳбар ёки бундай ҳужжатни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган унинг ўринбосари имзолаши ва у иш берувчи номидан имзолаш мумкин.

Мехнат шартномасини тузиш олдидан ишга киривчи шахснинг аризасини олиш мажбурийми? Бундай қилимаса бўладими?

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги ариза – мажбурий бўлмаган ҳужжат. Мехнат кодексида ишга киришга номзоднинг уни иш берувчига тақдим этишининг зарурлиги тўғрисидаги талаб мавжуд эмас. Шу сабабли уни тақдим этмаслик ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги олдиндан ариза бермасдан меҳнат шартномасини имзолаш мумкин.

Шахсни ишга қабул қилиши қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак?

Иш берувчи қўйидаги харакатларнинг кетма-кетлигига

*Паспортнинг амал қилиш муддати ва унда амалдаги яшаш жойи бўйича хисобдан ўтганлик штампи борлигига эътибор қартиш керак.

**У руҳсат бериш ҳужжатлари сирасига кирмайди, фақат ахборот тушига эга.

ИШ БЕРУВЧИННИГ ХАТОЛАРИ.

У НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН ВА УЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТУЗАТИШ КЕРАК

Ходимни ишга қабул қилаётганда иш берувчи у билан меҳнат шартномаси тузымайди, буни у янги ходим зиммасига юкланаётган вазифаларни қандай уддалашини кўрмоқчи эканлиги ва унинг профессионализми корхонада белгиланган талабларга қанчалик мувофиқлигини белгилаш нияти борлиги билан асослайди.

ХАТОНИ АСОСЛАШ. Кишининг ишга жойлашиши албатта ёзма меҳнат шартномаси билан расмийлаштирилади (Мехнат кодекси 72-моддасининг биринчи қисми, 74-моддасининг биринчи қисми, бундан кейин – МК).

ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ЧАВОБГАРЛИК. Хато раҳбарга (бошқа айборд жисмоний шахса) нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маймуни жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан кейин – МЖТК) 49-моддаси бўйича жарима чорасини кўллашга олиб келиши мумкин. Ишга қабул қилинган ихтисос (лавозим) доирасидаги касб-кор мажбуриятларини бажаришга ходимга ҳақиқатда рухсат этилиши, ишга қабул қилиш тегишли равища расмийлаштирилган



ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади (МК 82-моддасининг олтинчи қисми). Бироқ назорат қилувчи органлардан ҳуқуқбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма берилиши мумкин.

ХАТОНИ ТУЗАТИШ. Иш берувчи ҳар қандай ҳолда ходим билан меҳнат шартномаси тузиши ва уни ишга қабул қилиш тўғрисидаги бўйруқни расмийлаштириши керак.

Назорат қилувчи органлар иш берувчига меҳнат тўғрисидаги конун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма бериб, ходимга меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда расмийлаштириши талаб қилиши мумкин.

ХАТОНИ ТУЗАТИШ. Иш берувчи меҳнат дафтарчасини харид қилиши, уни белгиланган тартибда расмийлаштириши ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги тегишли ёзувларни киритиши керак.

Илгари ҳеч қаерда ишламаган ходим ишга тушганида иш берувчи унга меҳнат дафтарчасини расмийлаштиришмаган.

ХАТОНИ АСОСЛАШ. МК 81-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган, асосий иш жойига қабул қилинган ходимга меҳнат дафтарчаси тутиши шарт.

ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ЧАВОБГАРЛИК. Мехнат дафтарчасини расмийлаштиришмаган айборд мансабдор шахса МЖТК 49-моддаси бўйича жавобгарлик чоралари кўлланиши мумкин.

«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН КОНЧИЧИЛГИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПК-350-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
- «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «О мерах по дальнейшему развитию производственной кооперации и увеличению экспортного потенциала»;
- «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка предоставления земельных участков юридическим и физическим лицам в Ташкентской области и их целевому использованию».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР МВ, ДСКнинг «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори;
- ЎзР адлия вазирининг «Адвокатлик гувоҳномасини беришнинг вақтичалик тартиби тўғрисида»ги бўйруги;
- ЎзР МББ, МВнинг «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори.

• АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ УСТАВ ФОНДЛАРИНИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН МИКДОРГА ЕТКАЗИШ ёКИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ БОШҚА ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРГА (МУЛКЧИЛИКНИНГ ХУСУСИЙ ШАКЛИГА) АЙЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР.

• МЕЪЕРИЙ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ўТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАН 2009 ЙИЛ 23 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ТИКЛANIШ ВА ТАРАҚҚIЁТ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚILIШ ЧОРА-ТАДБИRLARI TЎҒRISIDA» 2006 ЙИЛ 16 МАЙДАГИ ПК-350-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒRISIDA

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 3-сон, 11-модда)

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иштироқини такомиллаштириш, шунингдек тижорат банкларининг инвестициявий фаолигини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПК-350-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг хуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (Ш.Х.Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 6 январь
ПК-1031-сон.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 6 январдаги
ПК-1031-сонли қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ТИКЛANIШ ВА ТАРАҚҚIЁТ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚILIШ ЧОРА-ТАДБИRLARI TЎҒRISIDA» 2006 ЙИЛ 16 МАЙДАГИ ПК-350-СОНЛИ ҚАРОРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳирда баён этилсин:

«бошқарув ходимларининг чекланган сони 19 нафардан иборат бўлган Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси».

2. 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 2-илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисида низом):

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«етакчи тармоқларни модернизация қилиш учун муҳим устувор аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун хорижий технологиялар ва ускуналарни сотиб олишга маблағларни мақсадли йўналтирган ҳолда республиканинг тижорат банкларига Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш қарори билан белгиланган тартибда кредит линияларини очиш»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚҰШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТҮГРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари түплами», 2009 йил, 4-сон, 21-модда)

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини таъминлаш, шу асосда иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республика минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек янги иш ўринларини шакллантириш ва аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Республика йўл жамғармасининг 1-иловага* мувофиқ Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш доирасида энг серқатнов участкаларда йўлларни тўртта полосагача кенгайтирган ҳолда ер полотносини тайёрлаш борасида ги йўл ишларини жадаллик билан олиб бориш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргалиқда тайёрланган 2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурининг асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Республика йўл жамғармаси, «Ўзавтойўл» ДАК билан биргалиқда 1-2-иловаларда кўрсатилган лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асослар ҳамда лойиҳа-смета хужжатларининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, хўжалик бирлашмалари ва хўжалик юритувчи субъектлар, инвестиция лойиҳалари ташаббус-

*1-3-иловалар берилмайди.

корларининг шахсий маблағлари, шунингдек ихтисослаштирилган тармоқлар ривожланиш жамғармаларининг маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси, тижорат банклари ва халқаро молия институтларининг кредитлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш бўйича ишларни молиялашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

5. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзавтойўл» ДАК, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг тегиши Ахборот-тахлил департаментлари раҳбарлари зиммасига Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. 2009 йилда Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Маҳсус комиссия таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан, Комиссияга, зарур ҳолларда, тасдиқланган Дастур параметрларига тузатишлар киритиш ҳукуки берилсан.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурларининг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамаси Президиумининг мажлисларида ҳар ойда кўриб қиқилсан.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь
ПҚ-1041-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ОБОДОНЛАШТИРИШНИ
ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН ҚҰШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮГРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари түплами», 2009 йил, 4-сон, 22-модда)

Республика шаҳар ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини янада шакллантириш, уларни ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, ободонлаштириш бошқармаларини замонавий маҳсус транспорт ва механизация воситалари билан жихозлаш, шунингдек, банд бўлмаган аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасидаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансан:

ободонлаштириш ишлари архитектура-курилиш меъёрлари ва қоидаларига, шунингдек, шаҳар ва аҳоли пунктларининг ташки қиёфасига нисбатан кўйилган замонавий талабларга қатъий мувофиқ равишда ўтказилишини

таъминлаш;

ободонлаштириш объектларидан санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш ишларини ташкил этиш;

ободонлаштириш соҳасидан құшимча иш ўринларини ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, самарали ишлар учун шарт-шароитлар яратиш;

ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

2. Ободонлаштириш бўйича харажатларни молиялашнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича прогноз тушумларининг 50 фоизи;

автотранспорт тўхташ жойи бўйича пулли хизмат кўрсатишдан олинган йигимнинг 100 фоизи;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича ҳамда транспорт воситалири учун бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинадиган солик бўйича прогноздан ортиқча тушумлар;

хайрия (ҳомийлик) ёрдамлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалардан тушган маблағлар.

Хўжалик юритувчи субъектларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг тасарруфида қоладиган шахсий маблағлари ҳисобидан шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига аҳоли пунктларини ободонлаштириш мақсадлари йўлида хайрия (ҳомийлик) ёрдами кўрсатиш тавсия этилсин.

3. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари 1-иловага* мувофиқ энг кам норматив даражагача миқдорда ишлаб чиқариш ходимлари билан тўлдирилишини таъминласин.

4. 2009 — 2011 йилларда ободонлаштириш бошқармаларини замонавий маҳсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш дастури 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ободонлаштириш бошқармаларини замонавий маҳсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

жумладан, 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра республика бюджетининг бўш қолдиқлари ва Коракалпогистон Республикаси ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмларини ортиғи билан бажариш ҳисобидан 2009 йилда ободонлаштиришга сарфланадиган харажатларни 3-иловага* мувофиқ оширасин;

2010 йилги ва кейинги йиллардаги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ободонлаштириш бўйича харажатлар мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини инобатга олсин.

6. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимлари 2009 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда шаҳар посёлкалари мақомини олган аҳоли пунктларининг кўкаламзорлаштириш майдонлари, кўчалари ва йўлкалари узунлигини, ирригация тармоқлари ҳамда бошқа ташки ободонлаштириш объектларини инвентаризациядан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига уларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўладиган маблағларнинг асосланган ҳисобкитобини тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилги бюджет параметрларини шакллантиришда янги шаҳар

*1-3-иловалар берилмайди.

посёлкалари ташкил этилишини ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш объектларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш учун маблағларни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда иккى ой муддатда ободонлаштириш ходимларини, уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирларини ва хизмат кўрсатиш худуди ҳамда бажариладиган ишларнинг сифатига қараб иш ҳақи миқдори белгиланишини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткасига ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда иккى ой муддатда шаҳарлар ва туманларни ободонлаштириш соҳасида, вақт меъёрлари, хизмат кўрсатиш худудлари ва ходимлар сони нормативларини ҳисобга олган ҳолда норматив-хукукий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 24 декабрдаги 606-сон қарорининг 1-иловасидаги «Жами ходимлар сони — 134 киши» сўзлари «Жами ходимлар сони — 274 киши» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларни бир хафта муддатда аввал қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 22 январь
ПҚ-1045-сон.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ И УВЕЛИЧЕНИЮ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 4-сон, 23-модда)

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2008 г. № УП-4058 «О Программе мер по поддержке предприятий реального сектора экономики, обеспечению их стабильной работы и увеличе-

нию экспортного потенциала», в целях дальнейшего развития производственной кооперации, оказания содействия хозяйствующим субъектам при формировании портфеля заказов Кабинет Министров **постановляет:**

1. Придать статус международной регулярно проводимой в Республике Узбекистан Республиканской промышленной ярмарке и Кооперационной бирже.

2. Утвердить:

график проведения отраслевых промышленных ярмарок в 2009 году согласно приложению № 1*;

комплексные мероприятия по подготовке и проведению Международной промышленной ярмарки и Кооперационной биржи в 2009 году согласно приложению № 2*.

3. Определить, что отраслевые промышленные ярмарки проводятся на выставочных площадях ОАО НВК «Узэкскоцентра».

ОАО НВК «Узэкскоцентр» предоставить в установленном порядке выставочные площади для проведения отраслевых промышленных ярмарок.

4. Возложить персональную ответственность за качественную подготовку и своевременное проведение отраслевых промышленных ярмарок на руководителей соответствующих комплексов Кабинета Министров, органов государственного и хозяйственного управления.

5. Принять предложение Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и г. Ташкента об организации в апреле 2009 года региональных промышленных ярмарок, с широким привлечением к участию в ярмарках субъектов малого и частного бизнеса, особенно имеющих инновационные предложения и осваивающих стратегически важные виды продукции.

6. Органам государственного и хозяйственного управления, Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г. Ташкента за месяц до начала проведения отраслевых и региональных промышленных ярмарок представить в постоянно действующий организационный комитет Республиканской промышленной ярмарки и Кооперационной биржи комплексный план мероприятий, предусмотрев в нем:

*Приложения NN1-2 не приводятся.

меры по организации и проведению ярмарки; график проведения ярмарки, в том числе презентаций, с указанием конкретных сроков и ответственных лиц;

перечень участников;

место проведения;

состав организационного комитета ярмарки.

7. Постоянно действующему организационному комитету Республиканской промышленной ярмарки и Кооперационной биржи (Р.Азимов) обеспечить:

координацию деятельности органов государственного и хозяйственного управления по качественной подготовке и проведению Международной промышленной ярмарки и Кооперационной биржи в 2009 году;

привлечение покупателей из государств СНГ и других стран;

проведение рекламной кампании и освещение в зарубежных и отечественных средствах массовой информации материалов, связанных с проведением Международной промышленной ярмарки и Кооперационной биржи.

8. Министерству внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок внести предложение об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

9. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на первого заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С.Азимова.

**Премьер-министр
Республики Узбекистан
Ш.МИРЗИЯЕВ.**

г. Ташкент,
16 января 2009 г.
№ 14.

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПОРЯДКА
ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ ЮРИДИЧЕСКИМ И ФИЗИЧЕСКИМ
ЛИЦАМ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ И ИХ ЦЕЛЕВОМУ ИСПОЛЬЗОВАНИЮ**

(«Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2009 йил, 4-сон, 24-модда)

В целях обеспечения неукоснительного соблюдения органами государственной власти на местах градостроительных норм и правил по комплексному развитию населенных пунктов области и наведению должного порядка в предоставлении земельных участков в Ташкентской области Кабинет Министров **постановляет**:

1. Создать Комиссию по изучению практики предоставления земельных участков юридическим и физическим лицам в Ташкентской области в соответствии с земельным законодательством, градостроительными нормами и правилами (далее — Комиссия) в составе согласно приложению*.

2. Комиссии (Ханов) в двухмесячный срок:

с привлечением заинтересованных министерств и ведомств критически проанализировать состояние выполнения требований земельного законодательства, градостроительных норм и правил при предоставлении земельных участков юридическим и физическим лицам в Ташкентской области, а также их последующего эффективного и целевого использования;

по итогам изучения в установленном порядке внести

*Приложение не приводится.

предложения по совершенствованию порядка предоставления земельных участков в Ташкентской области.

3. Установить, что впредь предоставление земельных участков в Ташкентской области осуществляется в установленном порядке хокимиятом Ташкентской области на основании решения Комиссии, образованной настоящим постановлением.

Госархитектстрою совместно с Госкомземгеодезкадастром, Министерством юстиции Республики Узбекистан и хокимиятом Ташкентской области в двухнедельный срок внести для утверждения в Кабинет Министров Положение о порядке принятия Комиссией решений о предоставлении земельных участков в Ташкентской области.

4. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Н.М.Ханова.

**Премьер-министр
Республики Узбекистан
Ш.МИРЗИЯЕВ.**

г. Ташкент,
20 января 2009 г.
№ 16.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКАНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАСИДА
ҲОСИЛ БЎЛГАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИНИНГ ОРТИҚЧА СУММАСИНИ
ҚАЙТАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил

15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-1

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2009 йил, 3-сон, 16-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармонига мувофиқ қарор қиласиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44-сон ва 2008-23-сон қарори билан тасдиқланган «Солик тўловчи-

ларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солифининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисида»ги низомга (2008 йил 16 май, рўйхат рақами 1807 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 180-модда) иловага мувофиқ ўзгартариш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.**

3-сон

**Давлат солик
қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.**

2009-1-сон

Тошкент ш., 2009 йил 8 январь.

*2009 йил 25 январдан кучга киради.

Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2009 йил 8 январдаги 3, 2009-1-сонли қарорига
ИЛОВА

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКАНИ ҚЎЛЛАШ
НАТИЖАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИНИНГ
ОРТИҚЧА СУММАСИНИ ҚАЙТАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 2-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 228-моддасига мувофиқ, солик тўловчиларнинг банқдаги ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиб бериш.».

2. 4-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. 5-банддаги «ўттиз» сўзи «йигирма» сўзи билан алмаштирилсин.

4. 9-банддаги «беш» сўзи «тўрт» сўзи билан алмаштирилсин.

5. 10-банднинг биринчи хатбошидаги «5 иш кунидан» сўzlари «4 иш кунидан» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. 11-банднинг биринчи хатбошидаги «5 иш кунидан» сўzlари «4 иш кунидан» сўzlари билан алмаштирилсин.

7. 12-банднинг биринчи хатбошидаги «5 иш куни» сўzlари «4 иш куни» сўzlари билан алмаштирилсин.

8. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «10 иш кунидан» сўzlари «8 иш кунидан» сўzlари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва тўртнчи хатбошиларидағи «5 иш куни» сўzlари «4 иш куни» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. 6-сон илова мазкур ўзгартариш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

Солик тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солифининг ортиқча суммасини қайtариш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартариш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

Солик тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солифининг ортиқча суммасини қайtариш тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

(корхона номи)

ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган КҚСни қайtариш учун тақдим қилиш

T/r	Идора (ташиқилот)нинг номи	Хужжатлар рақами ва келиб тушиши санаси	Хужжатлар тўпламини қабул қилиб олувиши шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.	Хужжатлар тўпламини изжрочининг берши санаси	Хужжатлар тўпламини олган изжрочининг Ф.И.Ш. ва имзоси	Хужжатларни кейинчалик қайта шиглашга берши санаси	Хужжатларни кўриб чиқишнинг кечикиш сабаби
1.	Туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси (4 иш куни)						

T/p	Идора (ташкилот)нинг номи	Хужжат рақами ва келиб тушиши санаси	Хужжатлар тўпламини қабул қилиб оловчи шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.	Хужжатлар тўпламини ижерочига берини санаси	Хужжатлар тўпламини олган ижерочининг Ф.И.Ш ва имзоси	Хужжатларни кейинчалик қайта ишилашга берини санаси	Хужжатларни кўриб чиқшининг сабаби
2.	Давлат солиқ бошқармаси (4 иш куни)						
3.	Давлат солиқ қўмитаси (4 иш куни)						
4.	Молия вазирлиги (8 иш куни), шу жумладан:						
4.1.	Тармоқ бошқармаси (4 иш куни)						
4.2.	Давлат бюджети Бош бошқармаси (4 иш куни)						

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**АДВОКАТЛИК ГУВОҲНОМАСИННИ БЕРИШНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1888.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 4-сон, 32-модда)

«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-198-сон Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда) (бундан бўён матнда Қонун деб юритилади) талабларини таъминлаш мақсадида **буораман:**

1. Қонуннинг 7-моддасига асосан 2009 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган адвокатлик бюоролари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек уларда ишилаётган адвокатлар адвокатлик бюоролари, ҳайъатлари ва фирмаларининг ташкилий-хукукий шаклларини, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини 2009 йил 1 июляга қадар Қонунга мувофиқлаштириши шартлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адвокат мақомини Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган адвокатлик гувоҳномасининг янги намунаси билан тасдиқланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, адвокатларга тегишли адвокатлик бюоролари, ҳайъатлари ва фирмалари томонидан муқаддам берилган гувоҳномалар адлия органлари томонидан уларга янги намунадаги адвокатлик гувоҳномаси берилгунга қадар амалда бўлади.

*2009 йил 30 январдан кучга киради.

3. Адвокатларга тегишли адвокатлик бюоролари, ҳайъатлари ва фирмалари томонидан муқаддам берилган ва амал қилиш муддати 2008 йил 31 декабрдан кейин тугаган гувоҳномаларнинг муддати янги наимунадаги адвокатлик гувоҳномаси берилгунга қадар узайтирилган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хукукий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва хукукий ахборот бошқармаси (А.Инанбаев) ва Нотариат, ФХДЕ ва адвокатура бошқармаси (Д.Якубова) ушбу норматив-хукукий ҳужжатни 10 кун муддат ичидан барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради ва 2009 йилнинг 1 июляга қадар амал қиласин.

7. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир үринбосари Е.Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири
Р.МУХИТДИНОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь
13-мҳ-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА
БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМФАРМАЛАР ВА «МИКРОКРЕДИТБАНК» КРЕДИТ
ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 1548-3.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 1-2-сон, 8-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва

*2009 йил 15 январдан кучга киради.

банк фаолияти тўғрисида» ва «Микромолиялаштириш тўғрисида»ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги қарор қиласидар:

1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга (2006 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1548 – Ўзбекистон Республикаси қонун

хужжатлари тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда) иловага мувофиқ ўзгартариш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**
273-В-3-сон

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.**
108-сон

Тошкент ш., 2008 йил 21 ноябрь.

Марказий банк Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2008 йил 21 ноябрдаги 273-В-3, 108-сонли қарорига
ИЛОВА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА
БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА "МИКРОКРЕДИТБАНК"**

кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартариш ва қўшимчалар

1. 28-банд куйидаги таҳирдаги хатбоши билан тўлдирилсин: «ёш оиласар».

2. 39-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А.ХАЙТОВ.

за қилиш вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.
А.ХАЙТОВ.**

**Савдо-саноат палатаси раиси
А.ШАЙХОВ.**

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.
Б.УЛАШОВ.**

**Ўзбекистон фермер
хўжаликлари уюшмаси раиси
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш., 2008 йил 20 ноябрь.

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ УСТАВ ФОНДЛАРИНИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН МИҚДОРГА ЕТКАЗИШ ЁКИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ
БОШҚА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРГА (МУЛКЧИЛИКНИНГ ХУСУСИЙ
ШАКЛИГА) АЙЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР***

(«Менинг мулким» – «Частная собственность», 2009 йил 8-14 январдаги 1-2 (709-710)-сон)

Мазкур Услубий тавсиялар (бундан кейин – Тавсиялар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4053-сон Фармонини (бундан кейин – Фармон) бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда акциядорлик жамиятлари томонидан устав фондларини қонун ҳужжатлари билан белгиланган миқдоргача етказиш ёки ўз устав фондларини белгиланган миқдоргача кўпайтиришга қодир бўлмаган акциядорлик жамиятларини бошқа ташкiliй-ҳуқуқий шаклларга (мулкчиликнинг хусусиий шаклига) айлантириш тартиби ва таомилини белгилайди.

Акциядорлик жамиятлари деганда 2010 йил 1 январгача ўз устав фондлари миқдорини қайта рўйхатдан ўтказиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквивалентда 400 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган суммагача етказишлари шарт бўлган, ишлаб турган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари (бундан кейин – АЖ) тушунилади.

Устав фондларини белгиланган миқдоргача кўпайтириш ёки қайта ташкил этишни (қўшиб юбориши, қўшиб олиш ёки айлантириши) бошлаб юбориши ҳамда амалга оширишни АЖни бошқарувчи ваколатли органлар куйидаги ҳолларда амалга оширадилар:

АЖ устав фондининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквивалентда 400 минг АҚШ долларига тенг бўлмагандан;

АЖ устав фондини кўпайтириш учун манбалар мавжуд бўлмагандан.

**I. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ
УСУЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 21-моддасига кўра АЖ устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

АЖ устав фондини кўпайтириш учун манбалар куйидагилар бўлиши мумкин:

утган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш;

қўшимча инвестициялар қўйилмалари;
соф фойдани капиталлаштириш (аудит ўтказилга-

*Хужжат таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

нидан кейин);

давлат активлари.

Устав фондида давлат улуши (активлар) бўлган АЖда устав фондини кўпайтириш олдиндан Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда инвентаризациялаш давомида аниқланган давлат активлари, хусусийлаштириш пайтида инвентаризациялаш далолатномасига киритилмаган, давлат улуши бўйича ҳисоблаб ёзилган, бироқ тўланмаган дивидендлар ҳисобига амалга оширилади.

Устав фондини кўпайтириш учун захира фонд маблагларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

II. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎГРИСИДА ҚАРОР ВА ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАРНИ ЧИҚАРИШ ТЎГРИСИДА ҚАРОР

АЖ қўшимча акцияларини факат эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг АЖ уставида белгиланган миқдори доирасидагина жойлаштириш мумкин. Уставда мазкур маълумотлар йўқ бўлса, АЖ устав фондини кўпайтириш тЎГРИСИДА қарор қабул қила олмайди. Бундай АЖ аввало қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда АЖ чиқара оладиган эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаши ва уставга тегишли ўзгартишлар киритиши лозим. Мазкур Тавсияларга 1-иловада қўшимча акциялар жойлаштирилгунигача ва жойлаштирилганидан кейин АЖ уставини баён қилиш матни мисол сифатида келтирилган.

АЖ устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тЎГРИСИДА қарорни акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши, агар АЖ уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан жамият кузатув кенгашига ана шундай қарор қабул қилиш ҳукуки тегишли бўлса, қабул қиласди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тЎГРИСИДА» ва «Қимматли қофозлар бозори тЎГРИСИДА»ги қонунларнинг талабларига мувофиқ акциялар чиқариш тЎГРИСИДА қарорда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

АЖнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (пошта манзили);

акциялар чиқариш тЎГРИСИДА қарор тасдиқланган сана;

акциялар чиқариш тЎГРИСИДА қарор тасдиқланган АЖ бошқарув органининг номи;

эълон қилинган акциялар миқдори (улуши) доирасида чиқарилаётган оддий (одатдаги) эгаси ёзилган ва имтиёзли эгаси ёзилган акцияларнинг миқдори;

акциялар харидорининг ҳукуқлари;

чиқарилишдаги акцияларнинг миқдори;

илгари жойлаштирилган акциялар ва бошқа қимматли қофозларнинг миқдори;

акцияларнинг номинал қиймати;

акцияларни жойлаштириш шартлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни харид қилишда устувор ҳукуқка эга бўлан акциядорлар учун жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шу жумладан уларни жойлаштириш нархи;

жойлаштириш усули (очик ёки ёпиқ ёзилиш йўли билан);

жойлаштириладиган қўшимча акцияларга ҳак тўлаш шакли ва муддатлари.

Бунда акцияларни чиқариш тЎГРИСИДА қарор, мазкур Тавсияларга 2-иловага кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар АЖ уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан жамият кузатув кенгашига ана шундай қарор қабул қилиш ҳукуки тегишли бўлса, расмийлаштирилади ва тасдиқланади.

АЖнинг устав фондини акциялар номинал қийматини кўпайтириш йўли билан ошириш ва АЖ уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тЎГРИСИДА қарорни АЖ акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши, агар АЖ

уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан жамият кузатув кенгашига ана шундай қарор қабул қилиш ҳукуки тегишли бўлса, қабул қиласди.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Фармонни бажариш учун АЖ Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 82, 84 ва 85-моддаларига қатъян мувофиқликда кузатув кенгаши мажлисини ўтказиши лозим.

Бунда Фармонни бажариш мақсадида кузатув кенгашининг мажлисида куйидаги масалалар кўриб чиқилиши зарур:

устав фондини кўпайтириш манбаларини аниқлаш;

жамиятни қайта ташкил қилиш усуллари (устав фондини кўпайтириш манбалари йўқ бўлганда);

акциядорлар умумий йиғилишини чақириш (эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини аниқлаш ва АЖ уставига тегишли ўзгартишлар киритиш зарур бўлганда; агар акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирса, АЖ устав фондини юқорида кўрсатилган усуллар билан кўпайтириш масаласини киритиш; қайта ташкил этиш масаласини киритиш);

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини белгилаш (акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби устав фондини кўпайтириш манбаларини аниқлаш масалалари бўйича қабул қилинган қарорлардан ёки уни қайта ташкил этиш тЎГРИСИДАГИ масалалардан келиб чиқиб шакллантирилади);

умумий йиғилиши ўтказилиши тЎГРИСИДА хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини тузиш санаси;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестрини тузиш санаси;

акциядорларга ва давлат вакилига умумий йиғилиши ўтказилиши тЎГРИСИДА хабар қилиш тартиби;

акциядорларга ва давлат вакилига умумий йиғилиши ўтказишга тайёргарлик кўраётганда тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;

овоз бериш учун бюллетенъ шакли ва матни.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси уни ўтказиш тЎГРИСИДА қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кундан кам вақт қолганда ва 45 кундан кўп вақт ўтганда белгиланиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун акциядорларнинг реестрлари акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишнинг расман эълон қилинган санасигача 30 календарь кунда (умумий йиғилиши ўтказиш тЎГРИСИДА хабардор қилиш учун) ва 3 календарь кунда (акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун) икки марта ёпилади.

Агар кузатув кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига қайта ташкил қилиш масаласини киритиш тЎГРИСИДА қарор қабул қилинса, кузатув кенгаши қўшимча равишда мол-мulkнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб этиш тЎГРИСИДА қарор қабул қиласди, чунки Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тЎГРИСИДА»ги Қонуни 44 ва 45-моддаларига мувофиқ акциядорларда, агар улар акциядорлар умумий йиғилишида узрли сабабга кўра қатнашмасалар ёки қайта ташкил этиш тЎГРИСИДА қарор қабул қилинишига қарши овоз берсалар, уларга тегишли бўлган акциялар сотиб олинишини талаб қилиш ҳукуки вужудга келиши мумкин.

Агар жамият акцияларининг эгаси давлат бўлса, давлат молия органини жалб этиш шарт.

IV. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ҮТКАЗИШ ТҮГРИСИДА АХБОРОТ

Акциядорлар ва давлат вакилига акциядорлар умумий йигилишини үтказиш түгрисида хабар бериш муддати АЖ уставида белгиланади. ОАЖ акциядорлари ва давлат вакилига акциядорлар умумий йигилишини үтказиш түгрисида ёзма хабарнома уни үтказиш санасидан олдин 10 календарь кундан кечиктирмай юборилиши керак.

Акциядорлар умумий йигилишини үтказиш түгрисидағи хабарномада күйидагилар бўлиши керак:

жамият номи ва жойлашган жойи (почтa манзили);

умумий йигилишни үтказиш санаси, вақти ва жойи;

жамият акциядорлари реестрини тузиш санаси; умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;

акциядорлар ва давлат вакилини умумий йигилиши үтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорлар ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) билан таништириш тартиби.

Кун тартибига қайта ташкил қилиш масаласи киритиладиган акциядорлар умумий йигилишини үтказиш түгрисида акциядорларга хабарда қўшимча равишда акциядорларда уларга тегишли акцияларни АЖ сотиб олишини талаб қилиш хуқуқининг мавжудлиги, қайта ташкил қилиш түгрисида қарор қабул қилинган тақдирда, сотиб олиш нархи ва уни амалга ошириш тартиби түгрисида ахборот бўлиши керак.

Акциядорлар умумий йигилишини үтказиш түгрисидаги хабар «Биржа» газетасида чоп этилиши керак.

V. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ҮТКАЗИШ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Кузатув кенгаши томонидан тайинланган кунда ҳисоб комиссияси йигилиш кворумини аниқлаш учун акциядорлар ва улар вакилларини рўйхатга олади.

Агар рўйхатга олиш тугаган пайтда акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш учун биргаликда АЖнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акциялари овозларининг олтмиш фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, акциядорлар умумий йигилиши ваколатлидир (кворумга эга).

Акциядорлар умумий йигилиши бошланиши олдидан раёсат, раислик қилувчи ва йигилиш котиби сайланади, шунингдек акциядорлар умумий йигилишини үтказиш регламенти тасдиқланади.

1. Агар акциядорлар умумий йигилишида АЖни қайта ташкил қилиш масаласи кўрилса, йигилиш кун тартибida қарор қабул қилиш лозим бўлган кўйидаги масалалар қайд этилиши керак:

а) кўшиб юбориш чоғида:

кўшиб юбориш шаклида қайта ташкил қилиш; кўшиб юбориш түгрисидаги шартномани тасдиқлаш; топшириш далолатномасини тасдиқлаш;

акциядорларнинг қўшма умумий йигилишини үтказиш санасини тайинлаш.

Бунда кўшиб юборишда иштирок этувчи АЖ кўшиб юбориш түгрисидаги шартномани тузиши керак, унда кўшиб юбориш тартиби ва шартлари, акциядорларнинг қўшма умумий йигилишида овоз бериш тартиби, шунингдек ҳар бир АЖ акцияларини янги АЖ акцияларига конвертациялаш тартиби белгиланади.

Кўшиб юборишда иштирок этаётган АЖ акциядорларининг қўшма умумий йигилишида кўйидаги масалалар ҳал қилинади:

АЖни таъсис этиш ва унинг уставини тасдиқлаш; устав фондини тасдиқлаш;

акциялар чиқариш түгрисида қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори түгрисида»ги Конуни 5-моддасига кўра);

акцияларнинг эмиссия проспектини тасдиқлаш;

акциялар чиқариш түгрисида қабул қилинган қарорни

тасдиқлаш;

жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясини сайлаш түгрисида;

ижро органини сайлаш (тайинлаш) түгрисида;

б) кўшиб олиш чоғида:

кўшиб олиш шаклида қайта ташкил қилиш; кўшиб олиш түгрисидаги шартномани тасдиқлаш; топшириш далолатномасини тасдиқлаш (кўшиб олинаётган жамият учун);

акциядорлар қўшма умумий йигилишини үтказиш санасини тайинлаш.

Кўшиб олинаётган АЖ ва уни ўзига кўшиб олаётган АЖ кўшиб олиш түгрисидаги шартномани тузади, унда кўшиб олиш тартиби ва шартлари, акциядорлар қўшма умумий йигилишида овоз бериш тартиби, шунингдек кўшиб олинаётган АЖ акцияларини уни ўзига кўшиб олаётган АЖ акцияларига конвертациялаш тартиби белгиланади.

Кўшиб олишда иштирок этаётган АЖ акциядорларининг қўшма умумий йигилишида кўйидаги масалалар ҳал қилинади:

уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

акциялар чиқариш түгрисида қарор қабул қилиш (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори түгрисида»ги Конуни 5-моддасига кўра);

акцияларнинг эмиссия проспектини тасдиқлаш;

акциялар чиқариш түгрисида қабул қилинган қарорни тасдиқлаш;

в) айлантириш чоғида:

жамиятни айлантириш;

айлантиришни амалга ошириш тартиби ва шартлари.

Жамиятни қайта ташкил қилиш түгрисидаги қарор акциядорлар умумий йигилиши томонидан, акциядорлар умумий йигилишида иштирок этаётган акциядорлар – овоз берувчи акциялар эгалари овозларининг тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик билан, агар АЖ уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қабул қилинади.

2. Агар акциядорлар умумий йигилишида илгари чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан АЖ устав фондини кўпайтириш масаласи кўрилса, йигилиш кун тартибida қарор қабул қилиш зарур бўлган кўйидаги масалалар қайд этилиши керак:

акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан устав фондини кўпайтириш;

жамият уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш;

илгари рўйхатга олинган акциялар чиқарилишларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш.

Агар акциядорлар умумий йигилишида қўшимча акциялар чиқариш йўли билан АЖ устав фондини кўпайтириш масаласи кўрилса, йигилиш кун тартибida қарор қабул қилиш зарур бўлган кўйидаги масалалар қайд этилиши керак:

қўшимча акциялар чиқариш түгрисида қарор қабул қилиш;

акцияларнинг эмиссия проспектини тасдиқлаш;

акцияларни қўшимча чиқариш түгрисида қабул қилинган қарорни тасдиқлаш;

уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (агар ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинса).

Агар қўшимча акциялар чиқариш ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан устав фондини кўпайтириш түгрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчаларни уставга киритиш түгрисида қарор қабул қилиш кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган бўлса, кузатув кенгаши мажлисларида юқорида саналган масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш лозим.

Акциядорлар умумий йигилиши томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето кўйилган қарорлар ижро этилмайди.

Акциядорлар умумий йигилишининг устав фондини

қўшимча акциялар чиқариш ёки акциялар номинал қийматини кўпайтириш, шунингдек устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчаларни уставга киритиш йўли билан кўпайтириш масалалари бўйича қарор йигилишда иштирок этаётган акциядорлар – АЖ овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик овози билан, агар қарор қабул қилиш учун қонун ёки АЖ уставида акциядорлар овозларининг кўпроқ микдори белгиланмаган бўлса, қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йигилиши ёпилганидан кейин 15 кундан кечиктирмай икки нусхада акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси тузилади.

Иккала нусхани умумий йигилиш раиси ва умумий йигилиш котиби имзолайдилар.

Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш жойи ва вақти; жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорлар эга бўлган овозларининг умумий микдори; йигилишда иштирок этаётган акциядорлар эга бўлган овозларнинг микдори;

йигилиш раиси (раёсати) ва котиби, йигилишнинг кун тартиби.

Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси тузилганидан кейин икки кун мобайнида қонун ҳужжатларига мувофиқ очиб берилиши зарур бўлган маълумотлар «Биржа» газетасида чоп этилади.

АЖда устав фонди микдорини ўзгартиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда акциядорлар умумий йигилиши баённомасида мажбурий тартибда устав фондини кўпайтириш манбалари (давлат активлари, АЖ активлари, қўшимча инвестициялар) кўрсатилиши керак.

VI. АЖ БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ

Устав фондида давлат улушига эга бўлган АЖ акциядорлар умумий йигилиши баённомаси тузилганидан кейин уч кун ичидаги давлат мулки кўмитасига акциядорлар умумий йигилиши баённомаси, шунингдек тегишли бўйруқ чиқариш учун бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Агар таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, АЖ акциядорлар умумий йигилиши баённомаси тузилган кундан бошлаб 7 кун мобайнида уларни ваколатли органларда давлат рўйхатидан ўтказиши шарт.

Шундан сўнг АЖ Марказ ёки унинг худудий бошқармаларига акцияларни қўшимча чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиши ёки илгари рўйхатдан ўтказилган чиқарилашларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Кимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги Конуни ва бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

АЖни бошқа ташкилий-ҳукукий шаклга (МЧЖ, ХК ва бошқалар) айлантириш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Давлат мулки кўмитасининг тегишли бўйруғи (устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган АЖ учун) чиқарилганидан кейин АЖ Марказга ёки унинг худудий бошқармаларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда акциялар чиқарилишини бекор қилишга ҳужжатлар тақдим этади.

АЖ устав фондини кўпайтириш ёки уни қайта ташкил қилиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ёки Кимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда уларнинг худудий бўлинмаларига мурожаат қилиш керак.

VII. ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА АЖНИ МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТГА АЙЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятла-

ри ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни 44-моддасига мувофиқ овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзларига тегишли бўлган акцияларни (барчаси ёки бир қисмини) АЖ қайта ташкил этилган тақдирда АЖ сотиб олишини, агар улар уни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган бўлсалар ёки ушбу масала бўйича овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар, талаб қилишга ҳақлилар.

Ўзларига тегишли акцияларни АЖ қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати кун тартибида қайта ташкил қилиш масаласи киритилган акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган АЖ акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

АЖ акцияларни ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олади, бу қиймат АЖнинг акцияларни баҳолаш ва қайтариб сотиб олиш ҳуқуқи вужудга келишига сабаб бўлган ҳаракати натижасида унинг ўзгаришини ҳисобга олмасдан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конун 45-моддаси АЖни акциядорларни ўзларига тегишли акцияларни АЖ қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи борлигидан, қайтариб сотиб олиш баҳоси ва уни амалга ошириш тартибидан хабардор қилишга мажбур этади.

Акциядорларнинг уларга тегишли бўлган акцияларни АЖ қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги талаблари жамиятга акциядорлар умумий йигилиши томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 45 кундан кечиктирмай тақдим этилиши керак.

Қайта ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 45 кун ўтгач АЖ 30 кун ичидаги қайтариб сотиб олиш тўғрисида талабларни тақдим этган акциядорлардан акцияларни сотиб олиши шарт.

АЖ акцияларни қайтариб сотиб олишни кун тартибида қайта ташкил қилиш масаласи киритилган умумий йигилиши ўтказиши ҳақидаги хабарда кўрсатилган нарх бўйича амалга оширади.

АЖ қайтариб сотиб олган акциялар, у қайта ташкил этилган тақдирда, улар қайтариб сотиб олинаётганида сўндирилади.

Шу муносабат билан, агар АЖ акциядорга хабарномани қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда акциядорлар реестрига киритилган манзил бўйича юборган, бироқ акциядор қайта ташкил этиш масаласи кўрилаётганида акциядорлар умумий йигилишида иштирок этмаган ва унга тегишли бўлган акцияларни қайтариб сотиб олиш талабини кўймаган бўлса, қайта ташкил этиш натижасида янги вужудга келган жамият унга тегишли бўлган акциялар қийматини акциядорга тўлаш бўйича қарзни ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги Конуни 11-моддасига мувофиқ масъулияти чекланган жамиятнинг таъсис ҳужжати бўлиб таъсис шартномаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1, 102, 107, 354, 364-моддаларига ва Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги Конуни 10-моддасига кўра таъсис шартномасини тузиш учун куйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

- шартнома оддий ёзма шаклда тузилиши керак;
- уни тузувчи шахслар ўз хошидан келиб чиқиб, ҳеч қандай мажбурашсиз, ўз иродалари бўйича ва ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишлари керак;
- уни тузувчи шахслар ўзларининг келишиб олинган иродаларини изҳор этишлари ва шартноманинг барча жиддий шартларига кўра келишувга эришишлари керак;
- шартномага унинг барча тарафлари имзо чекишилари керак.

Шу муносабат билан юқорида кўрсатилган талабларни бирор-бир акциядор учун сиртдан, унинг йўклигига, унинг вакили иштирокисиз бажариш мумкин эмас. Бинобарин, муассислар таркиби ва таъсис хужжатларини тасдиқлаган таъсис конференциясида иштирок этмаган акциядор МЧЖ муассиси бўла олмайди.

Бундай акциядорлар олдида янги таъсис этилган жамият уларга тегишли бўлган акциялар қийматини тўлаш мажбуриятига эга бўлади.

VIII. АЖ АХБОРОТИНИ ДАВЛАТ МУЛКИ КЎМИТАСИННИГ ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси
А.ДАЛИЕВ.

2008 йил 2 декабрь
04/12-2240-сон.

Тошкент шаҳри,

ТАҚДИМ ЭТИШ

АЖ кузатув кенгаши мажлиси ва акциядорлар умумий йигилиши ўтказилган кундан бошлаб бир кун ичидаги Давлат мулки қўмитасининг худудий бўлинмаларини мазкур мажлисларда қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабардор қилиши керак.

Давлат мулки қўмитасининг худудий бўлинмалари, ҳар кунги ҳисботлардан ташқари, ҳар ҳафтада (ҳар жумада) ишчи гурӯхига тармоқлар бўйича йиғма ҳисбот тақдим этишлари керак.

Фармон ижросини таъминлаш бўйича ишчи гурӯх Давлат мулки қўмитаси раҳбариятига йиғма ахборот кирилади.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувоғиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
К.ТОЛИПОВ.

2008 йил 1 декабрь
04/29-611-сон.

1-илова

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРНИНГ УМУМИЙ МИҚДОРИ ДОИРАСИДА АКЦИЯЛАРНИ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИШ ЙЎЛИ БИЛАН УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН АЖ УСТАВИ МАТНИНИ БАЁН ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Эълон қилинган акциялар умумий суммаси доирасида қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига АЖ устав фондини кўпайтириш учун банк уставига тахминан қуидаги баён этилган қоидаларни киритиш лозим:

«АЖ устав фонди 100 миллион сўмни ташкил қилади ва қуидаги акцияларга бўлинган:

оддий эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 90 000 дона миқдорида, жами 90 миллион сўм суммасида;

имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 10 000 дона миқдорида, жами 10 миллион сўм суммасида.

АЖ устав фондини кўпайтириш мақсадида чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар суммаси 100 миллион сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

оддий эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 90 000 дона миқдорида, жами 90 миллион сўм суммасида;

имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 10 000 дона миқдорида, жами 10 миллион сўм суммасида».

Акциялар умумий миқдори доирасида акциялар чиқарилганда ва жойлаштирилганда ҳаки тўланган акциялар

АЖ устав фондига ўтказилади.

Масалан, 100 миллион миқдорида эълон қилинган акциялар умумий миқдори доирасида АЖ 50 миллион сўмга эмиссия қилди. Акцияларнинг кўрсатилган миқдори жойлаштирилганидан кейин АЖ уставига қуидаги ўзгартишлар киритилади:

«АЖ устав фонди 150 миллион сўмни ташкил қилади ва қуидаги акцияларга бўлинган:

оддий эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 135 000 дона миқдорида, жами 135 миллион сўм суммасида;

имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 15 000 дона миқдорида, жами 15 миллион сўм суммасида.

Устав фондини кўпайтириш мақсадида АЖ чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар суммаси 50 миллион сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

оддий эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 45 000 дона миқдорида, жами 45 миллион сўм суммасида;

имтиёзли эгаси ёзилган акциялар – ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўмдан 5 000 дона миқдорида, жами 5 миллион сўм суммасида».

2-ИЛОВА

«ТАСДИКЛАНГАН»

(карорни тасдиқлаган АЖ ваколатли органи номи)

(жамият кузатув кенгаши раисининг Ф.И.Ш. ва имзоси)

(санса)

СОН

М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

(рўйхатдан ўтказувчи орган номи)

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахси лавозими, Ф.И.Ш., имзоси)

СОН

(санса)

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИШ (ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИШ) ТЎҒРИСИДА ҚАРОР

(эмитент номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилган:

(акциялар тури ва миқдори, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Акцияларнинг мазкур чиқарилиши _____ чиқарилишдир.

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

тасдиқлаган

(акцияларни чиқариш тўғрисида қарорни, тасдиқлаган эмитент органи кўрсатилади)

«___» 200 ____ йил ____ сон баённома.

асосида

(акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қўлган эмитент органи кўрсатилади)

«___» 200 ____ йил ____ сон баённома

Эмитент жойлашган жой, почта манзили ва алоқа боғлаш телефонлари: _____

Эмитент раҳбари: _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Бош бухгалтер: _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Муҳр

Сана: «___» 200 ____ йил.

1. Мазкур чиқарилишнинг эгаси ёзилган акциялари тури (оддий ва/ёки имтиёзли) _____.

2. Акциялар мазкур чиқарилиши шакли _____.

3. Мазкур чиқарилиш акциялари номинал қиймати (сўм) _____.

4. Мазкур чиқарилиш акциялари миқдори (дона) _____.

5. Мазкур чиқарилиш умумий ҳажми (сўм) _____.

6. Мазкур чиқарилиш акциялари эгаларининг хукуклари _____.

7. Жамият уставида ва/ёки чиқариш тўғрисидаги қарорда мазкур чиқарилиш акцияларини харид килишга ҳар қандай чеклашлар _____.

8. Жамият устав фонди миқдори (сўм) _____.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар миқдори (турлари бўйича бўлган ҳолда кўрсатилади) _____.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар миқдори (турлари ва хиллари бўйича бўлинган ҳолда кўрсатилади) _____.

11. Мазкур чиқарилиш акцияларини жойлаштириш шартлари ва тартиби.

11.1. Мазкур чиқарилиш акцияларини жойлаштириш усули (очик ёки ёпик ёзилиш) _____.

(Ёпик ёзилиш ҳолатида акцияларнинг бўлғуси харидорлари доираси ҳам кўрсатилади).

11.2. Мазкур чиқарилиш акцияларини жойлаштириш муддати _____.

(Акцияларни жойлаштириш бошланган сана ва тугаган сана ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби кўрсатилади).

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқариш тўғрисидаги бирор-бир ахборотни очиш санасига боғлик ҳолда белгиланса, бундай ахборотни очиб бериш тартиби ҳам кўрсатилади).

11.3. Мазкур чиқарилиш акцияларини жойлаштириш тартиби _____.

(Акцияларни жойлаштириш давомида фуқаролик-хукукий битимларни тузиш тартиби ва шартлари; жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар кўрсатилади).

Агар қимматли қоғозларни эмитент унга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатадиган қимматли қоғозлар бозори професионал иштирокчиларни (андеррайтерлар) жалб этган ҳолда жойлаштиrsa, ҳар бир бундай шахс бўйича куйидагилар қўшимча равишда кўрсатилади:

фирма номининг тўлиқ ва қисқартма номлари, жойлашган жой;

професионал фаолиятни амалга оширишга берилган лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, мазкур лицензияни берган орган; мазкур шахснинг асосий функциялари, агар эмитент билан унга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатадиган шахс ўртасидаги шартномада мазкур шахс бундай шартнома билан белгиланган муддатда жойлаштирилмаган акцияларни ўз ҳисобидан харид қилиши на зарда тутилса, – ушбу муддат ёки уни белгилаш тартиби.

Агар акциялар ёпиқ ёзилиш воситасида бир неча босқичда жойлаштирилса, жойлаштириш шартлари уларнинг ҳар бири бўйича мос тушмаса (фарқ қилса), қўшимча равишда ҳар бир босқич бўйича акцияларни жойлаштириш муддатлари (муддатларни белгилаш тартиби) ва мос тушмайдиган жойлаштириш шартлари очиб берилади).

11.4. Акцияларни саклаш ва уларга доир хукукларни ҳисобга олиш тартиби, шу жумладан тўлиқ фирма номи, уларга ташкилий-хукукий шакл, жойлашган жой, почта манзили, эмитент эгаси ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантирадиган марказий регистратор ва уларга доир хукуклар ҳисобини юритувчи депозитарий телефони ҳам киради, шунингдек тегишли фаолиятни амалга оширишга лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган сана, лицензия берган орган, амал қилиш муддати) _____.

11.5. Мазкур чиқарилишнинг жойлаштириладиган акцияларини харид қилиш устувор хукуқини амалга ошириш тартиби _____.

(Жойлаштириладиган акцияларни харид қилишнинг устувор хукуки тақдим этилганда куйидагилар кўрсатилади:

бундай устувор хукуқка эга бўлган шахслар рўйхатини тузиш санаси (санани белгилаш тартиби);

жойлашириладиган акцияларни харид қилиш устувор хукуқини амалга ошириш имконияти тўғрисида хабардор қилиш тартиби;

жойлашириладиган акцияларни харид қилиш устувор хукуқини амалга ошириш тартиби).

11.6. Мазкур чиқарилиш акцияларини жойлашириш нархи (нархлари) ёки уни белгилаш тартиби _____.

(Акцияларни жойлашириш нархи (нархлари) ёки уни белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар акцияларни жойлаширишда акцияларни харид қилиш устувор хукуқи берилса, кўшимча равища бундай устувор хукуқа эга бўлган шахсларга акцияларни жойлашириш нархи ёки уни белгилаш тартиби кўрсатилади).

11.7. Акциялар ҳақини тўлаш шартлари ва тартиби _____.

(Акцияларга ҳақ тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китоблар шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартма фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар ҳақини тўлашга келиб тушадиган пул маблағлари ўтказилиши керак бўлган ҳисобрақамларнинг банк реквизитлари, тўлаш пунктлари манзиллари (акцияларга ҳақ нақд пул шаклида тўланганда) кўрсатилади.

